

Бухоро уламсини, асосан, икки фиркага таксим этиш мумкиндир. Бири Бухоро ва унинг теваракиндан тўпланиб тахсил килатурган бухорийлар, иккинчиси Бухоро хонлигининг Шарк тарафиндаги Кўлоб деган тоғлик ердан келган кўлобилар. Тарихи исломдакиси бани Хошим[1] бани Умавия[2] ўртасида бўлгани каби Бухоро уламси ва кўлобилар орасинда эски бир даштлик[3] бордир. Бу душманликнинг бош сабаби ҳозирги Бухоро козиқалони бўлган Бурхониддиннинг бобоси кози Садриддин Мулла Тўхмак ўғли[4] деган зотдир.

Кози Садриддин(дан) бурун бўлган Бухоро мулларининг барчасига бир кўз қараб ҳар бирига мустаҳик[5]буйдиги илмий мансабларни бера(р) эканлар, Мазкур Мулла Садриддин Мулла Тўхмак ўғли Бухорода козиқалон ўлғач, иши тезлашиб кетган. Бу одам аввал Бухоронинг вақфларига ва бошқа ишларига буюк хиёнатлар қилган: ҳалқ устига «аминона»[6] деган бир солугки ёлгондан шаръий деб юқлаган, кўб вақт ерларини, вақф оқчаларини ҳукумат ҳазинасига оғдарган, шу йўллар билан амирни(нг) ўзига тобеъ қилиб олгандан кейин Бухоронинг ёлғи мансаблари (қи) ўз кўлобиларига олиб берган.

Бу одам диний илмлардан (Қуръон ва Ҳадисдан) бутун ҳабарсиз бир одам экан. Бир кун буюк бир илмий мажлисда Қуръонни очиқ саҳифа бошиндаги сурадан ибтидоси бўлган «ҳамаси»[7] жумлаи шарифини «ҳам ишқ» ўқудиги Бухоро уламси орасинда машҳурдир. Унинг бу ҳоллари бухороли уламсининг нафратларига сабаб бўлди. Кози Садриддиндан неча йил кейин ўғли Бадриддин козиқалон бўлди. Бу одам даҳи отасининг йўли билан юра бошлади. Ўзи илмсиз бир киши эдуги учун маълумотли уламодан кўрқар ва унларни иш бошиндан тушура эди.

Ўз кўлобилари орасиндан жохилларини сайлаб Бухоронинг буюк илмий мансабларини шунларга бера эди.

«Бухороли уламо» илмий мансаблардан маҳрум бўлдилар. Бухоронинг тубчаклари[8] бош кўтара олмай қолдилар. Бадриддиннинг бу ишлариндан гайратли неча уламолар ҳаяжонга қолдилар ва унга қаршү бир варақа қилардилар. Бу варақанинг бошинда гайратли уламолардан самарқандли марҳум Муфти Бурхониддин тура эдилар. Кози Бадриддин ёлғон ҳабарлар қилариб, муфти Бурхониддинни Бухоро амирининг доимий қазабига учратди. Муфти Бурхониддин шу илм билан дунёдан ўтди.

Бу зот ўрнига фирка бошинда устодим марҳум Охунд Мулла Гиёсиддин ҳазратлари ўтдилар. Марҳум устодим диний ва шаръий илмлардан бошқа илми қалом ва эски юнон фалсафасиндин тамоман воқиф бир зот бўлуб, сўзга ҳам кўб уста эдилар. Шунинг учун кози Бадриддинни бош кўтарарга қўймас эдилар. Кўб вақтлар кози Бадриддиннинг оғуси билан амирнинг қазабига учрасалар ҳам парво қилмасдан ўз никоқларига давом этиб, дунёдан ўтдилар.

Бу зотнинг ўрунларига кози Бадриддинга қаршү бўлган фирқанинг бошига уч зот қолдилар, бунлар марҳум шайхулиқом Бақохўжа ҳазратлари, марҳум устодимнинг уқалари Маснаф ва Бухоронинг олим қозиқалони бўлган кози Абдушуқурнинг ўғиллари

Шарифхон махдум эдилар[9].

(«Хуррият», 1917 йил, 48-сон)

[1] Бани Хошим — Курайш кабиласининг Хошим ибн Абдуманнофдан тугилган фарзандлари, яъни унинг авлодлари бани Хошим номи билан юритилган. Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) ҳам шу уругдан бўлиб, тўртинчи бўгинни ташкил килади (Мухаммад ибн Абдуллох ибн Абдумуталлиб ибн Хошим). Хошим ибн Абдуманноф ўглининг фарзанди Абдумуталлиб вафотидан сўнг уруг ичида ўзаро нифоклар кўчайиб кетади. Айникса, бани Хошим авлодлари билан Абу Суфён авлодлари ўртасида нифоклар кескин жанглarga айланиб кетган. Бунинг биргина мисоли Бадр газотидир.

[2] Бани Умавия — Абу Суфён авлодларидан бўлиб, Пайгамбаримиз ва чахорёрлардан сўнг халифаликка мушарраф бўлган Муовия ибн Суфёндир. У Имом Хасан истеъфосидан сўнг халифаликка мукаррар бўлган бўлса, халифаликда наслий сулолани расм килдирди (бунгача халифалик Пайгамбаримиздан бошлаб бир кишининг ҳақки эмас эди, мусулмонлар кимни сайлашса ўша халифа бўлар эди). Дастлаб, унинг ўгли Язид, сўнг Валид бинни Абд ал-Малик ва сулоланинг охириги бўгини Марвон бинни Мухаммад бўлган.

[3] даштлик — душманлик, нифок маъносида. Юкоридаги сулолалар ўртасидаги нифок каби бухоролилар билан кўлоблилар ўртасида ҳам нифок бўлиб, маълум маънода мана шу нифок XX аср бошларидаги Бухоронинг таназзулини келтирган сабаблардан биридир.

[4] Садриддин Мулла Тўхмак ўгли — Бухоронинг амир Музаффариддин ва амир Абдулахадхон давридаги козикалонларидан. Шу кишининг сайъ-ҳаракатлари билан козикалонлик Бухорода наслий шакл олган. Шундайлардан бири унинг набираси Бурхониддин эди.

[5] мустахик — лойик, сазовор.

[6] аминона — Бухоро амирлигидаги соликлардан бир тури; ердан олинадиган солик бўлиб, вакф ерларидан ташкари шаръий диний масалаларда фойдаланиш учун амирнинг ҳақки деб белгиланган соликлардан. Козикалон Садриддин даврида урф бўлган.

[7] Куръони каримнинг «Ал-Бакара» сурасидаги жумла.

[8] тубчак — туб ахолиси, асил бухоролилар назарда тутилади.

[9] Макола сўнгида «Бокияси (яъни давоми) бор» ибораси келтирилган. Бирок айти шу номдаги бошқа макола чоп этилмаган.